

# ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 62

Бухоро шаҳри

15 сентябрь 2022 йил

"SUPPLY OF CONSTRUCTION PRODUCTS" МЧЖ, кейинги ўринларда Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари Ф.Хамраев, Бухоро «Мурувват ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари Б.Олтиев мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Машина картофелеочистительная.	дона	1	19950000	19950000
2	Пылесос промышленный	дона	1	5000000	5000000
3	Кипятильники погружные.	дона	1	13900000	13900000
	Жами:				38 850 000

Ўттиз саккиз миллион саккиз юз эллик минг сўм

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 31 декабр гача

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 38 850 000 (Ўттиз саккиз миллион саккиз юз эллик минг сўм)

сўмни ташкил этади. Ушбу шартнома учун ҳисоб-китоблар ажратилган маблағлар доирасида тўланади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 11 655 000 сўм яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилади. Белгиланган сумманинг 27 195 000 сўм, яъни 70 % ишлар бажарилгандан сўнг 2022 йил сентябрь ойида тўланади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартномага мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди ва товарни ўрнатишни ўз бўйнига олади.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қўйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.
- 7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

- 8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ манзиллари ва реквизитлари.

«Сотувчи»  
SUPPLY OF CONSTRUCTION  
PRODUCTS" МЧЖ

Манзили: Бухоро шаҳри Жубор  
кўчаси 162-уй

Ҳ.Р. 20208000105563330001

МФО: 01082 ИНН: 309824351

Банк номи: АТБ Капитал банк


Бухоро филиали

Хиз. Тел 93 681 17 71

SUPPLY OF CONSTRUCTION  
PRODUCTS" МЧЖ

рахбари

*Ф.Хамраев*



«Б У Ю Р Т М А Ч И»

Бухоро Мурувват ногиронлиги  
бўлган болалар учун Интернат уйи  
Манзили: Бухоро шаҳар

Ҳ.Р: 100021860064017101205344001

МФО: 00014 Тошкент шаҳар  
Марказий  
банк

ИНН: 201512037

Банк номи: Тошкент шаҳар  
Марказий  
банк

Тел 65 228 10 58

Бухоро Мурувват ногиронлиги  
бўлган болалар учун Интернат уйи  
Рахбари  
Б.Олтиев



## Хуқуқий Хулоса

(Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 20-21 моддалари тартибида )

15 сентябрь 2022 йил

11сонли

Бухоро ш

Мен Хуқуқшунос А.Ражабов Бухоро “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи раҳбари Б.Олтиев ҳамда "SUPPLY OF CONSTRUCTION PRODUCTS" МЧЖ раҳбари Ф.Хамраевлар ўртасидаги 2022 йил 15 сентябрь куни 62-сонли тузилаётган шартномани Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувофик хуқуқий экспертиза ўтказганимда аниқладим:

Мазкур шартнома бўйича узига олаётган мажбуриятларни бажариши Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувофик белгиланган. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар бўйича жавобгар бўла олади.

Шартномада томонлар жавобгарлиги ҳамда тўлов тартиблари белгиланган, юридик манзиллар тўғри кўрсатилган.

Кўшимча шартлар ва шартномани хуқуқий кучга кириш вақти ҳамда амал қилиш муддати аниқ қилиб белгиланган.

Тарафларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, манзили ва ҳисоб рақамлари тўғри ҳамда конуний эканлиги текшириб кўрилди.

Юқоридагиларга асосан мазкур шартномани Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўз.Р. «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида» ги Конуни талабларига жавоб беради ва тақдим қилинган тартибда имзолаш мумкин деб ҳисоблайман.

Хуқуқшунос :



А.Ражабов